

ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ХУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

2019 йил 6 август
сешанба
№ 31 (1183)


www.insonvaqonun.uz
insonvaqonun@adliya.uz
facebook.com/ivquz/
telegram.me/ivquz



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

ЁҚИЛҒИ-ЭНЕРГЕТИКА РЕСУРСЛАРИ НАРХЛАРИ ВА ТАРИФЛАРИНИ
ЎЗГАРТИРИШ ТЎҒРИСИДАГИ ХУҚУМАТ ҚАРОРИ
(633-сон, 30.07.2019 й.)

2019 йил
15 АВГУСТДАН БОШЛАБ



пировард истеъмолчига **АВТОБЕНЗИН** ва **ДИЗЕЛЬ** ёқилғисини
сотишда акциз солиғини ҳисобга олган ҳолда, чакана нарх:

АИ-80 русумдаги автобензин – **бир литр учун 4500 сўм**
(ҳозирда бир литр учун 4000 сўм)

дизель ёқилғиси – **бир литр учун 5400 сўм**
(ҳозирда бир литр учун 4800 сўм)

ЭКО дизель ёқилғиси – **бир литр учун 5700 сўм**
(ҳозирда бир литр учун 4900 сўм)

АИ-91 русумли автобензин **биржа савдолари орқали сотилади.**

Қонун ҳужжатларида белгиланган шахсларнинг
айрим тоифаларига* автобензинни сотиб олиш
харажатларининг бир қисми учун

ойлик пул
компенсацияси
75 000 сўм

ТАБИИЙ ГАЗ:



Газни ҳисобга
олиш приборлари
мавжуд бўлганда –
380 сўм/м³

Газни ҳисобга олиш приборлари
мавжуд бўлмаганда:



овқат тайёрлаш
ва иссиқ сув
таъминоти учун –
660 сўм/м³



иситиш
учун –
380 сўм/м³



Маиший эҳтиёжлар
учун аҳолига
сотиладиган
**1 кг суюлтирилган
газ учун – 1120 сўм**

ЭЛЕКТРОЭНЕРГИЯ:



Маиший
истеъмолчилар учун
1 кВт/соат – 295 сўм



Истеъмолчиларнинг
бошқа тоифаси учун
1 кВт/соат – 450 сўм

- *● уруш қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахслар;
- уруш фахрийлари ва уларга тенглаштирилган шахслар;
- меҳнатда майиб бўлиш ва касб касаллиги туфайли I ва II гуруҳ ногиронлар;
- I ва II гуруҳ болалиқдан ногиронлар.

@huquqiyaxborot

САЙЁР ҚАБУЛ: Вазир ўринбосари Сирдарёда



ЖОРИЙ йил 1 август кuni Гулистон туманидаги “Орол неъматлари” фермер хўжалиги дала шийпонида адлия вазири ўринбосари Акбар Тошқуловнинг сайёр қабули ташкил этилди. Қабул давомида Гулистон тумани ҳамда Гулистон шаҳри аҳолисининг турли масалалардаги мурожаатлари тингланди:

ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ КОРХОНАСИ ВАЪДА БЕРДИ

Менинг нон цехим бор, аммо, туманда тез-тез чироқ ўчиши сабабли маҳсулотлар айниб, цехда ишлаб чиқариш тўхтаб қолди. Адлия вазири ўринбосарининг сайёр қабулида ўз муаммоимни айтиб, ёрдам сўрадим, вилоят электр тармоқлари корхонаси раҳбари ваъда берди, ваъдасида туради, деган умиддаман. Ахир чироқ ўчиб турса тadbиркорлик ривожланмайди, инвесторлар келмайди, турмуш фаровон бўлмайди.

Маъруф СУЯРОВ,
Тadbиркор, Гулистон тумани

АДЛИЯ БОШҚАРМАСИ БОШЛИГИ ЕТТИ ЙИЛДАН СЎНГ ОҚЛАНДИ

...бошқарма бошлигининг бошига жиддий ташвиш тушди. Аниқроғи, унга нисбатан пора олиш, вилоятдаги давлат нотариал идоралари ва ФХДЁ бўлимларининг янги биноси қурилишини тендер танловларисиз қурувчи корхона ва ташкилотларга топшириш ҳамда бошқа ҳаракатлари учун жиноят иши қўзғатилди.

3-саҳифа

САМОСУД

“Ўзича судлаш” оқиба-тида жазоланган шахс аслида айбсиз бўлиши ёки айбдор-у, лекин жазо адолатли бўлмаслиги, яъни арзимаган қилмиш учун жуда жиддий жазо бериб юборилиши мумкин.

4-саҳифа

25 МИЛЛИОН ЁХУД 150 МИЛЛАРД АҚШ ДОЛЛАРИ: БУ РАҚАМЛАР НИМАНИ АНГЛАТИШИНИ БИЛАСИЗМИ?

СТАТИСТИК маълумотларга кўра, ҳозирда дунёда замонавий кулликнинг қурбони бўлган кишилар 25 миллионни ташкил этмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг хабарига кўра, одам савдосидан келадиغان йиллик даромад тахминан 150 миллиард АҚШ доллари-ни ташкил этади.

5-саҳифа

КОРРУПЦИЯ жуда мустахкам томир ёзади, дейишади. Фақат бу томирлар илдизи пастга эмас, балки юқорига қараб ўрмалайди. Бу томирларга ҳамма-нинг кўзи тушса-да, ҳамма бирдек уларни янчиб ташлашга ҳаракат қилавермайди. Томирларни парчалашга эса минглаб қўллар керак бўлади.

Бу ўхшатишда ҳақиқат бор. Коррупция асосида битган ишнинг бир кунмас бир кун қинғири чиқади. Коррупцияга йўл қўйганинг кун қисқа. Боиси, урганган кўнгил бу қилмишни бир қилдими, кейингиларини ҳам қилиши, шубҳасиз. Аммо кўза кунда эмас, кунда синади. Буни ҳаммамиз яхши биламиз. Коррупциянинг илдизини қуритиш учун ҳар бир соҳада назоратни кучайтириш, шу каби ҳолатга олиб келувчи оқибатларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва бартараф этиш бўйича тизимли чоралар ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалда қўллаш бўйича комплекс ёндашув зарур.

Коррупция билан курашишда қўллаб давлат органлари ўз усул ва услубларини қўлламоқда. Адлия вазирлигида ушбу иллат билан курашиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларга чек қўйиш борасида муҳим чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

БИРИНЧИ ФАЗА: Адлия услуби

Сўнгги пайтларда оммавий ахборот воситаларида коррупцияга қарши курашиш, порахўрлик жиноятини содир этишда гумонланиб тергов ҳаракатлари олиб борилаётган шахслар ҳақидаги хабарларни кўп кузатаямиз. Албатта, айбдор шахслар тегишли жазага тортилиши, бу иллатга қарши мурасасиз кураш олиб борилиши лозим. Лекин, бизнингча, энг аввало, ҳар бир давлат ташкилоти ўз тизимидаги идораларда коррупциянинг олдини олиш бўйича аниқ ҳаракатларни амалга ошириши, турли хавф-хатарларни баҳолаши, улардаги коррупциявий омилларни минимал даражага тушириши лозим.

Адлия органларини "Коррупция-сиз соҳа" та айлантириш энг асосий мақсад. Лекин бу осон иш эмас. Бу ишда тартиб, қатъийлик, принципаллик бўлмас экан, коррупцияга қарши курашиш бандларвоз гап бўлиб қолаверади. Шу сабабли биз коррупцияга қарши курашишда аниқ режа асосида иш олиб бора-ялмиз.

ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР БАЗАСИ ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ

Аввало, вазирлик коррупцияга қарши курашиш бўйича мустахкам ички норматив ҳужжатлар базасини яратишга алоҳида эътибор қаратди. Адлия органлари ва муассасалари ходимлари томонидан коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш тартиби тўғрисида, Адлия органлари ва муассасалари ходимларининг ротация қилиш тартиби тўғрисида, Давлат нотариал идораси нотариусларини алмаштириш (ротация қилиш) тартиби тўғрисидаги низомлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ходимларининг Одоб-ахлоқ қоидалари қабул қилинди.

Коррупцияга қарши курашиш мақсадида махсус дастур қабул қилинди. Дастурнинг асосий мақсади ходимларда коррупцияга нисбатан мурасасиз муносабатни шакллантириш, манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик, коррупция учун жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлашдан иборат. Адлия вазирлиги қошида коррупцияга қарши курашиш кенгаши тузилди.

“Коррупция билан ҳеч қачон мақсадимизга эриша олмаймиз”.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

Адлия вазирлиги КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШАДИ

Ушбу Кенгаш коррупцияга қарши курашиш бўйича дастурнинг ижро этилишини назорат қилиб боради.

КОРРУПЦИЯГА ҚЎЛ УРГАН 18 НАФАР ХОДИМ ИШДАН ОЛИНДИ

Адлия органлари ва муассасалари маъмурий биноларида жисмоний ва юридик шахслар ёки уларнинг вакилларини қабул қилишда видео ва аудиога ёзиб олиш тизими жорий этилди. Адлия органлари ва муассасаларидаги коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳолатлари ҳақидаги хабарларни дарҳол ва ўз вақтида етказилишини таъминлашга қўшимча имконият яратиш мақсадида телеграмм ижтимоий тармоғида "@antikorbob" номи махсус бот яратилди. Махсус бот орқали шу кунга қадар 2 мингдан ошқ тизор хабарлар келиб тушди. Бу хабарларга асосан ўтказилган хизмат текширувлари натижасига кўра, тизимда ишлаётган 18 нафар ходим лавозимидан озод этилди. Жумладан, нотариус ёрдамчиси мижоздан ортиқча пул маблағи олганини учун ўша нотариал идорадаги барча ходимлар билан тузилган меҳнат шартномалари бекор қилинди.

Халқаро коррупцияга қарши курашувчи ташкилотлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилди. Хусусан, Сингапур, Франция, АҚШ, Германия каби ривожланган давлатлар тажрибаси билан бирга Қозғоғистон, Беларусь давлатлари тажрибаси ҳам ўрганилди. Халқаро ташкилотларнинг маърузалари ва тавсиялари ўрганиб чиқилди ва уларга асосланиб тахлилий материаллар тайёрланди.

МОЛИЯВИЙ ОЧИҚЛИК

"Очиқ адлия" дастури қабул қилинди. Дастур фуқаролар билан ўзаро ҳамкорликда ишлаш имконини кучайтирди. Эътибордан четда қолаётган камчиликлар, қолаверса, ўз вазифасини лозим даражада бажармаётган ходимларни аниқлаш бўйича бевосита жамоатчилик ёрдамига таянилмоқда. Адлия вазирлиги веб-сайти (adliya.uz) да фуқаролар адлия органларига юборган ўз муносабатларини кузатиб боришлари мумкин. Яна бир муҳим жиҳат, адлия органлари ходимлари устидан берилган ҳамда ўз тасдиғини топган шикоятлар ҳақида маълумот олиш имконини берувчи махсус платформа ишга туширилди.

Вазирлик биносига хизмат хоналарининг жойлашиш структураси ҳам очиқлик ва шаффофлик тамойили асосида қайта қўриб чиқилди. Бунда ходимларнинг кун-

лик фаолиятини бемалол кузатиш мумкин. Бу эса назоратни, иш унумдорлигини оширади.

Очиқликнинг энг муҳим жиҳатларидан бири, бу шубҳасиз, молиявий маълумотлардир. Молиявий маблағларнинг сарфи, қаредан келиб қалган кетабтани, нима мақсадларда ажратилаётгани, умуман, Адлия вазирлиги ва унинг таркибий бўлимларининг молиявий фаолияти билан боғлиқ маълумотлар вазирлик веб-сайтида эълон қилиб борилмоқда. Бунда харажатлар, уларни амалга оширилиши билан боғлиқ ҳисоботлар, харид шартномалари рўйхати билан танишиш мумкин бўлади.

Муҳим янгиликлардан яна бири, бу адлия органларининг ҳар йил якуни бўйича аҳолига бажарилган ишлар юзасидан ҳисобот беришидир. Мазкур ташаббус 2018 йил якунлари бўйича амалга оширилди ва "Адлия ҳисобот беради" номи рисола тайёрланиб, кенг жамоатчиликка тақдим этилди.

РЕЙДДАН СЎНГ

Давлат нотариал идораси, нотариал архив ва давлат хизматлари марказлари ходимлари фаолиятида меҳнат интизоми, Адлия вазирлиги ходимларининг Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши, шунингдек, улар зиммасига юклатилган вазифаларнинг бажарилиши устидан доимий назорат олиб бориш мақсадида 1 028 та қисқа муддатли текшириш (рейд тадбирлари) ўтказилиб, 832 нафар масъул ходимга тегишли жазо чораси қўрилди. Шу билан бирга, 670 та "сирли мижоз" тадбири ўтказилиб, реал хизмат олувчи шахс сифатида давлат хизматлари жараёнида қатнашиш орқали хизмат кўрсатиш сифати, мuddати, шарт-шароити ўрганилиб, 221 нафар масъул ходимга тегишли жазо чораси қўрилди. 5 316 нафар ходим орасида профилактик суҳбат ўтказилди.

2019 йилнинг ўтган даврида аниқ режа асосида олиб борилган ишлар орқали адлия тизимидаги ҳар бир ходимга муҳим сигнал етказилди. Яъни, ходим ким бўлишидан, лавозимидан қатъи назар, унинг ўтмишдаги хизматларига қарамадан агарда унда ҳалоллик бўлмаса, у ходимдан воз кечилди.

Иккинчи фаза: АНТИКОРРУПЦИЯВИЙ КОМПЛАЕНС

Вазирлик тизимида коррупцияга қарши курашиш соҳасида биринчи фаза якунлари бўйича эришилган натижаларга асосан янги фазога ўтилмоқда. Мазкур босқичда Адлия вазирлигининг коррупцияга қарши

курашиш сиёсати ишлаб чиқилди. Сиёсатда вазирликнинг коррупцияга қарши курашишга қаратилган асосий йўналишлари ва коррупциявий фаолиятга аралашиб қолишга қарши курашишга бўлган ёндашув ифодаланган. Шунингдек, Адлия вазирлигида антикоррупциявий комплаенс тизimini жорий этиш чоралари кўрилмоқда.

Идоравий комплаенс тизими ўзида юқори даражада касбий ва ахлоқий қоидалар ижросини таъминлаш, қонунчиликка ва ички тартиб-қоидаларга риоя этилмасликка оид хатарларни камайтириш ҳамда жиддий моддий зарар етказилишини бартараф этиш ва амалдаги қонун ҳужжатлари, ички идоравий ҳужжатлар бузилишига йўл қўймаслик бўйича профилактик чора-тадбирлар мажмуини назарда тутди.

Антикоррупциявий комплаенснинг афзаллиги шундаки, бу коррупцияга бўлган мойилликни пассивлаштириш, ходимлар томонидан коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар хавфи, ходимларнинг шахсий манфаати ёки боийш учун ташкилотнинг моддий ресурсларидан фойдаланиш натижасида ташкилот ошмушга ва иқтисодида зарар етказиш каби хавфларни йўқотади.

КИМ КОРРУПЦИЯГА ҚЎЛ УРСА, БИЗ У БИЛАН ХАЙРЛАШАМИЗ!

Вазирлик тизимида коррупцияга қарши курашишда қуйидаги асосий тамойиллар белгиланди:

- қонунийлик;
- ҳар қандай кўринишдаги коррупцияга мурасасиз муносабатда бўлиш;
- коррупцияга оид хатарларни мунтазам баҳолаш;
- профилактик характердаги чораларни қўришнинг устуворлиги;
- ажбoret, ташкилий ва назорат чораларидан комплекс тарзда фойдаланиш;
- вазирлик тизимида коррупцияга кўп ўраётган йўналишни тақомиллаштириш;
- коррупциявий ҳуқуқбузарликни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги.

Мазкур тамойилларга амал қилиш коррупцияга қарши кураш фаолиятини амалга оширувчи ҳар бир ходимнинг асосий вазифасига айланади. Хусусан, ҳар қандай даражадаги лавозимда ишлаётган ходим коррупциявий ҳуқуқбузарлик содир этса, биз у билан хайрлашамиз. Адлия органларида ишловчи ходимларда ҳалоллик энг муҳим хислатга айланиши лозим.

Мазкур стратегик ҳужжат ўзида вазирликнинг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги фаолиятининг қуйидаги асосий йўналишларини назарда тутмоқда:

- жамоатчилик ва фуқаролар билан ўзаро ҳамкорлик;
- коррупцияга қарши экспертиза;
- манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш;
- "сирли мижоз" тадбири;
- совгалар бериш ва олишни чеклаш;
- текшириш ва ўрганишлар ўтказиш;
- одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилиш.

"МЕҲМОН" УЧУН ПУЛ ЙИГИШГА ЙЎЛ ҚЎЙИЛМАЙДИ

Мазкур стратегик ҳужжат ўзида вазирликнинг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги фаолиятининг қуйидаги асосий йўналишларини назарда тутмоқда:

- жамоатчилик ва фуқаролар билан ўзаро ҳамкорлик;
- коррупцияга қарши экспертиза;
- манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш;
- "сирли мижоз" тадбири;
- совгалар бериш ва олишни чеклаш;
- текшириш ва ўрганишлар ўтказиш;
- одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилиш.

Кўпчилик назарида жуда оддий маиший масала ҳисобланган ўзбекона меҳмондўстлик ҳам назаримизда ноқонуний ҳаракатлар учун замин яратди. Вазирлик ходими худудларга хизмат сафарига борганда уни меҳмон қилиш арзимаган нарса бўлиб кўриниши мумкин, лекин бунинг оқибатида бошқа ноҳуш ҳолатлар (меҳмонни рози қилиш учун пул йиғиш ва ҳ.к) келиб чиқатгани ҳам сир эмас.

Шу сабабли, биз адлия органлари ходимларига худудларга хизмат сафари давомида тизимдаги ва бошқа идоралар ходимлари билан умумий оқватланиш жойларига бориш тақиқланди.

КОРРУПЦИЯГА ОДАТЛАНГАН ҚЎЛЛАРГА ҚЎЛИНГИЗНИ ТУТМАНГ!

Адлия вазирлигининг коррупцияга қарши курашиш сиёсатида назарда тутилган тадбирларни тўлиқ амалга ошириш орқали адлия органларини "Коррупциясиз соҳа" га айлантириш каби юксак натижаларга эришиш кутилмоқда.

Муҳими, чора-тадбирлар келиб чиққан коррупциявий ҳолатларга чора кўриш эмас, балки коррупция келиб чиқмаслигини таъминлашга йўналтирилган.

Аммо биз қандай дастур ёки чора-тадбирларни қўлламайлик, фуқароларнинг фаоллиги кузатилмас экан, порахўрлик, тамагириклик каби ҳолатлардан бизни оғохлантормас экан, иллатдан бутунлай қутулишининг иложи йўқ. Шу сабабли мазкур салбий ҳолатлар кузатилганда фуқаролар ўзларига қулай усулда бизга мурожаат қилишларини сўраймиз. Айтган-ча, коррупциявий ҳолатларни фош этган шахслар сир тутилиши қафолатланган.

Коррупцияга одатланган қўлларга қўлингизни тутманг. Фарзандингизга тоза келажак яратинг. Узингизда ушбу иллат билан курашга куч топмасангиз, бизга мурожаат қилишни унутманг!

Адлия вазирлиги
Жамоатчилик билан
алоқалар бўлими

ТАЖРИБАЛИ ҳуқуқшунос Шавкат Ҳақназаровни мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизими ходимлари, хусусан, адлия органлари вакиллари яхши билишади. Салкам 40 йил мобайнида мазкур соҳада хизмат қилган бу инсон катта ҳаётий тажриба орттирган ва обрў-эътибор қозонган. Жумладан, дастлаб Янги-ер шаҳар судининг судьяси вазифасида иш бошлаган. Кейинчалик Сирдарё вилоят суди судьяси, вилоят суди раиси биринчи ўринбосари, суд раиси, жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилоят суди раиси, Тошкент вилоят адлия бошқармаси бошлиғи ўринбосари вазифаларида меҳнат қилган. 2004 йил ноябрь ойида эса Жиззах вилоят адлия бошқармаси бошлиғи вазифасига тайинланган.



Маълумот учун

2004 йилда Жиззахга ишга боғланганда бутун бошли адлия бошқармаси тизимида бор-йўғи битта компьютер бор эди. Бошқарманинг ўзи эса вилоят ҳокимлигининг биносидан ижарада турарди. 2008 йилда вилоят ҳокимининг тегишли қарори билан вилоят "Матлуботсавдо" бирлашмасининг эски биносини олиб, капитал реконструкция қилган ҳолда бошқарма биносига айлантирди.

ҳамкасблари орасида юзи ёруғ бўлди.

ЙЎҚОТИШЛАРИМ ВА ИЗТИРОБЛАР ЎРНИНИ КИМ ВА НИМА ТЎЛДИРАДИ?

— Фурсатдан фойдаланиб, тизимдаги ислохотларнинг бош ташаббускори бўлган ва жамиятимизда адолат қарор топишини таъминлаган Президентимизга, Олий судга, Бош прокурор ўринбосари Акмалхон Мавлонов (ҳозирда Наманган вилоят прокурори)га, мени оқлаган жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилоят судига, ҳимоячим — Гулистон шаҳридаги "Эгида-Хуқуқ" адвокатилик фирмаси раҳбари Суяубой Атабаевга ўз миннатдорчилигини билдираман. Оқланганимни эшитганларнинг табрик кўнгирақлари эса ҳанузгача тингани йўқ, — дейди Шавкат Ҳақназаров биз билан суҳбатда. — Лекин менга армон бўлган нарса шуки, озошлиқдан маҳрум қилиш жазосини ўтаётганимда 2015 йил январь ойида менинг доғимда куйган онажоним Роҳатой Шерназарова вафот этди. Оқибатда ўзим қандли диабет ва юрак-қон томир касаллигини орттириб олдим. Энди ўзингиз айтинг: бу йўқотишларим ва изтироблар ўрнини ким ва нима тўлдирди?

"ПАХТА ИШИ" ДАВРИДА БИРИНЧИ ОҚЛОВ ҲУКМИ

Ш.Ҳақназаровнинг таъкидлашича, айти пайтгача уни оқонуний жавобгарликка тортган шахсларнинг ўзи жавобгарликка тортилган. Қайтар дунё деганлари балки шудир?

— Яна бир фикрни мамнуният билан айтмоқчиман, — дея давом этади Шавкат ака. — Чорак асрга яқин судьялик лавозимида ишлаган бўлсам, мен чикарган ҳукм ёки ажримлар умуман бекор бўлмаган. Собик Иттифоқ прокуратураси томонидан очилган "Пахта иши" даврида биринчи оқлов ҳукми — Сайхунбод туманидаги собиқ Галаба ширкат ҳўжалигининг қирқ йиллик раиси, Меҳнат Қажрамони Қодирқул Султоновга нисбатан мен чикарганман. Шу боис кейин мени Олий судда пахта иши бўйича тузилган комиссияга аъзо қилиб олишди. Натихада Гдия ва Ивановларнинг қаршичилигига қарамадан 240 нафар кишини оқлади. Бундан ташқари, республика раҳбарияти ўша мудҳиш Наманган воқеалари ҳамда Сурхондарё вилоятининг Сароисиё ва Узун туманларидаги ҳаракатларга оид жиноят ишларини ҳам менга ишониб топширган.

Ишонасизми, 2004 йилда Жиззахга ишга боғланганда бутун бошли адлия бошқармаси тизимида бор-йўғи битта компьютер бор эди. Бошқарманинг ўзи эса вилоят ҳокимлигининг биносидан ижарада турарди. 2008 йилда вилоят ҳокимининг тегишли қарори билан вилоят "Матлуботсавдо" бирлашмасининг эски биносини олиб, капитал реконструкция қилган ҳолда бошқарма биносига айлантирди. Қолаверса, 9 та тумандаги нотариал идоралар ва ФХДЎ бўлимлари янги бино қурди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, 2018 йилда нафақага чиққан Шавкат ака айти пайтда 5 нафар фарзанди ва 14 нафар набира қаршовида умрғуздорлик қилмоқда. Адолат қарор топганидан ҳам боши осмонда яқинларининг ҳам. Бу бўлса Президентимиз томонидан олиб борилаётган инсонларварлик сиёсатининг самарасидир.

Илҳомжон ҲАМИДОВ,
жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилоят суди судьяси,
Хушроқ СУЛТОНОВ,
"Инсон ва қонун" муҳбири

Адлия бошқармаси бошлиғи ЕТТИ ЙИЛДАН СЎНГ ОҚЛАНДИ

Шундан сўнг Ш.Ҳақназаров айти лавозимда салкам саккиз йил — 2012 йил май ойига қадар ишлади. Аммо...

Аммо бошқарма бошлигининг бошига жиддий ташвиш тушди. Аникроғи, унга нисбатан пора олиш, вилоятдаги давлат нотариал идоралари ва ФХДЎ бўлимларининг янги биноси қурилишини тендер танловларисиз қурувчи корхона ва ташкилотларга топшириш ҳамда бошқа ҳаракатлари учун жиноят иши кўзгатилади. Оқибатда жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилоят судининг 2012 йил 16 ноябрдаги ҳукмига биноан Жиноят кодексининг 205-моддаси, 2-қисми, "а, б"-бандлари ва 210-моддаси, 3-қисми, "б"-банди билан айбдор, деб топилди, кодекснинг 45-моддасига мувофиқ 3 йил муддатга раҳбарлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан ҳамда 12 йил муддатда озошлиқдан маҳрум қилинди.

Вилоят судининг кассация инстанцияси эса 2013 йил 23 майдаги ажрими билан юқоридаги ҳукми ўзгаришсиз қолдирган.

Шундан сўнг Шавкат ака икки ярим йил мобайнида жазо муддатини ўтаб, 2012-2014 йиллардаги амнистия ақтларига мувофиқ, 2015 йил май ойида озошликка чиқди. Бироқ ўзига қўйилган айбловнинг ноқонуний эканлиги ва ноҳақ судланганлиги унга сира тинчлик бермасди. Кейинчалик Юртбошимиз ташаббуси билан амалга оширилган бошланган суд-ҳуқуқ ислохотлари ўзини айбсиз, деб билган собиқ бошлиққа янги умид бағишлади. Бинобарин, у ҳақиқат қарор топишига ишониб, ҳимоячиси Суяубой Атабаев билан бирга Олий судга муурожаат қилади. Пировардида, Олий суд раиси Қозимжон Қомиллов раислигидаги Олий суд Раёсатининг 2019 йил 26 апрелдаги қарори билан жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилоят судининг 2013 йил 23 майдаги ажрими бекор қилиниб, жиноят иши янгидан қўриш учун кассация инстанциясига юборилди.

Албатта, кассация инстанция суди Ш.Ҳақназаров ва ҳимоячиси келтирган ваъдаларни, гувоҳларнинг кўрсатмаларини ҳамда ишдаги барча ҳолатларни атрофлича ўрганиб чиқди.

ЖИНОЯТ ТАМҒАСИНИНГ БЕКОР ҚИЛИНИШИ

Республика Бош прокуратураси, Олий суд, Миллий хавфсизлик хизмати ва Ички ишлар вазирлигининг 2014 йил 23 июндаги "Порахўрлик жиноятлари ҳақидаги ариза ва хабарларни қўриб чиқиш, бу тоифадаги жиноят ишларини тергов қилиш ва судда қўришда қонун талаблари-

га қатъий риоя қилинишини таъминлаш бўйича" Қўшма кўрсатмаси 8.1-бандида аризагининг кўрсатмаларидан ташқари бошқа объектив далиллар аниқланмаганда жиноят иши кўзгатилишига, шахс қамоққа олинишига, жиноий жавобгарликка тортилишига йўл қўйилмаслиги, жиноят-процессуал қонуни талабларига риоя қилинмаган ҳолда олинган номақбул далиллар асосида жиноят иши кўзгатиш ҳақида қарор қабул қилинишига йўл қўйилмаслиги, ҳар қандай ҳолатда айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозимлиги ҳақидаги Жиноят процессуал кодексининг 23-моддаси талабларига оғишмай риоя этилиши, аризагининг кўрсатмаси, шахснинг айбиға иқрорлик кўрсатмалари билан тасдиқланган ҳолатлар ҳамда бошқа объектив далиллар аниқланмаган тақдирда айблаш учун етарли асос бўла олмаслиги инobatга олиниши, 8.2-бандида эса шахсга айб эълон қилишга фақат объектив далиллар мажмуғи асос бўлиши мумкинлиги, бунда, пора берувчи ва у билан боғлиқ шахсларнинг кўрсатмалари ҳамда айбиға иқрорлик кўрсатмалари билан чегараланиб қолмасдан, шахсни айблаш учун пора предмети олиниши, қонунлар билан белгиланган тартибда почта-телеграф ва электрон жўнатмалари, аудио ёки видеоёзувлар, телефон ёки бошқа мосламалар орқали амалга оширилган сўзлашувлар аниқланиши каби аниқ мезонлар билан асосланрилиши шартлиги белгиланган. Лекин юқоридаги қўшма кўрсатмада қайд этилган объектив далиллар мажмуғини ташкил этувчи бирор-бир аниқ мезон мавжуд эмас.

Хусусан, дастлабки тергов органи томонидан Ш.Ҳақназаровнинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда пора олганлигини намоён этувчи бирор-бир ишончга сазовор ва мақбул далиллар тўпланмаган.

Биринчи босқич суди эса иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатларни сиңковлик билан ҳар томонлама, тўла ва ҳолисона текшириб чиқмасдан, ишда юзага келган масалани ҳал қилишда айбланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган ҳолатларни аниқламаган. Қолаверса, суд айрим шахсларнинг кўрсатмаларига бошлиқ билан ўрталарида юзага келган адоват, муайян сабабларга қўра ишдан бўшатиш ва бошқа ишга ўтказилганлик ҳолатлари сабаб бўлганига эътибор қаратмай, айблов ҳукми чиқарган.

Биноларнинг қурилиш-таъмирлаш ишларига келсак, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 3 июлдаги "Капитал қурилишда танлов савдолари тизимини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 302-сонли қарорига асосан қурувчи корхона ва ташкилотларга ишларни танлов савдолари орқали бериш учун шартнома қиймати 50.000 АҚШ доллари эквивалентидан юқори бўлиши керак. Аммо "Фикрет-Сунай-М" ва "Lapesgaga balmore" масъулияти чекланган жамиятлари, "Зариф Муродов", "Хуршида қурилиш" хусусий фирмалари билан имзоланган шартнома қиймати 50.000 АҚШ доллар эквивалентидан ошмаган. Шунингдек, Зомин туманидаги "Бахт уйи" қурилиши "Сангзор-Б" хусусий фирмасига вилоят адлия бошқармаси томонидан эмас, балки Ўзбекистон Республикаси Бош Вазири ўринбосари 2011 йил январь ойида имзолаган "Жиззах вилояти Мирзачўл ва Зомин туманлари марказининг архитектура қийфаси ва инфратузилмасини яхшилаш чора-тадбирлари ҳақида"ги йиғилиш баёнига асосан Жиззах вилоят ҳокимлиги томонидан топширилган.

Олий суд Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги "Иқтисодиёт соҳасидаги жиноий ишлар бўйича суд амалиётида юзага келган айрим масалалар тўғрисида"ги 11-сонли қарорининг 26-бандида ҳокимият ёки мансаб ваколатини суистеъмол қилиш учун жавоб-

гарлик фақат тўғри қасд бўлганда ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқладиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказиш тарзидаги оқибат юз бергандагина келиб чиқиши белгиланган. Бироқ "Фикрет-Сунай-М" МЧК, "Азиз Холмат қурилиш", "Моҳир қурувчи люкс" хусусий фирмалари томонидан қўриб ёзиш ва сифатсиз бажариш натижасида етказилган зарарлар ҳамда Шавкат Ҳақназаров ўзига олган муқофот пуллари айблов ҳукми чиқариш вақтидаги иш ҳақиға нисбатан кўп миқдорни ташкил этмайди.

Булардан қўриниб турибдики, тергов органи ва биринчи босқич суди томонидан Жиноят-процессуал кодекси талаблари қўпол равишда бузилган.

Жиноят-процессуал кодексининг 464-моддасига мувофиқ, жиноий ҳодиса юз бермаган бўлса, судланувчи содир этган қилмишда жиноят таркиби бўлмаса, жиноят содир этилишига судланувчи дахлдор бўлмаса, жиноят бошқа шахс томонидан содир этилганлиги аниқланса, шунингдек судланувчиға қўйилган айблов иш ҳолатлари батафсил текширилгандан кейин ишонли тарзда ўз тасдиғини топмаса, суд ушбу кодекснинг 83-моддасида назарда тутилган асосларга қўра судланувчини оқлайди. Шу боис кассация инстанция суди жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилоят судининг 2012 йил 16 ноябрдаги ҳукмини бекор қилиб, Шавкат Ҳақназаровни Жиноят кодексининг 205-моддаси, 2-қисми, "а, б"-бандлари ва 210-моддаси, 3-қисми, "б"-банди билан айбсиз деб топиб, оқлади. Қолаверса, суд ажримда унга реабилитация қилиниши муносабати билан ўзига етказилган мулкый, маънавий ва бошқа зиён оқибатларини Жиноят-процессуал кодексининг 304-313-моддаларида назарда тутилган тартибда бартараф қилиш ҳуқуқи ҳам тушунтирилди. Энг муҳими, Ш.Ҳақназаровнинг маҳалла-қўй, таниш-билиш ва

ОММАНИНГ ЖАЗОСИ АДОЛАТЛИМИ?

ЎФРИ, хиёнаткор ёки жамият учун хавфли жиноятчини аниқлаш ва унга жазо белгилаш қонун билан амалга оширилади ва айнан шунинг учун ҳам ҳар бир давлатда тегишли нормалар вужудга келган. Лекин айбдорни (у ҳали гумонланувчи бўлиши ҳам мумкин) қонун ҳукмига топширмай, ўзбошимчалик билан жазолаш амали ҳам бор. Айниқса, бугун ижтимоий тармоқларда "самосуд"нинг турлича қўринишлари акс этган видеолар кенг тарқалмоқда. Аслини олганда тарихда ҳам гуноҳкорнинг омма тарафидан калтакланиши, тошбўрон қилиниши, сазойи этилиши каби ҳолатлар мавжуд бўлган. Фарқи томони шундаки, у пайтда айби ҳалқ учун очиқ-ойдин бўлган, кенг омма орасида жинояти ошкор бўлган одамларга нисбатан бундай йўл тутилган. Бугун эса вазият бошқача. Самосуд қилинаётган одамнинг айбдор ёки айбдор эмаслигини билиб-билмаган минглаб нигоҳлар видео орқали уни кузатмоқда. Жиноятга ёки хиёнатга бевосита гувоҳ бўлмаган "қизиқувчи томошабинлар" томонидан жараён тасвирга олинади ва ижтимоий тармоқ саҳифаларига жойлаштирилади. Бу дегани жазоланаётган одам айбдорми йўқми бир зумда бутун оламга шармисор бўлиши мумкин. Агар у айбдор бўлган тақдирда ҳам бу мумкинми? Жазо белгилашда ўтмиш даврларимиздаги нисбатан анча пухта қонуний механизмга эгамиз. Нега энди ўзбошимчалик билан одамларни жазолашимиз керак? Замонавий илғор жамият учун бу ҳосми? Самосуд иштирокчиларига қонунда қандай жавобгарлик белгиланган? Бу борадаги саволларга Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ҳуқуқий сиёсат тадқиқот институти масъул ходимлари жавоб беришди.

"ЎЗИЧА СУДЛАШ" НЕГА ХАВФЛИ?

Аъзам МАДАМИНОВ,
Ҳуқуқий сиёсат тадқиқот
институти масъул ходими:

— "Ўзича судлаш" — бу ҳуқуқбузарлик содир этган ёки ҳуқуқбузарлик содир этишда гумон қилинган шахс ҳақида тегишли давлат органига хабар қилмасдан, уни ўзбошимчалик билан қонунга хилоф равишда жазолашдир. "Ўзича судлаш", деган иллатнинг ақдол мисоли сифатида, яқинда, Тошкентнинг Қўйлик бозорида бировнинг автомобилни очаётган шахсларни, Самарқанд вилоятида фермер ҳўжалиги мол-мулкни ўйришда гумон қилинган шахсларни, Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Сирдарё вилоят филиалида беморнинг ўлимида гумон қилинган шифокорларнинг ўзбошимчалик билан жазоланганини кўрсатиш мумкин. Ўзича судлаш жамият учун катта хавф туғдирадиган ҳолат. Нимаси билан? Асосий хавфларни санаб ўтамиз:

Биринчидан, "Ўзича судлаш" оқибатида жазоланган шахс аслида айбсиз бўлиши ёки айбдор-у, лекин жазо адолатли бўлмаслиги, яъни арзимаган қилмиш учун жуда жиддий жазо бериб юборилиши мумкин. Чунки ўзича судлаш қўпича тўсатдан аниқланган ҳолатлар бўйича ва ҳолат содир бўлган жойнинг ўзида, қўпчиликнинг ҳис-ҳаяжонини жиловлаш имкони мавжуд бўлмаган шароитларда содир этилади. "Ўзича судлаш" пайтда жазолаётган шахслар жазо адолатли бўлиши кераклигини ўйлаб ўтирмайди, одатда кучи етганича жазолаб юбораверилади; иккинчидан, "Ўзича судлаш"ни амалга ошираётганларнинг ўзларини соғлиги ва ҳаёти хавф остида қолиши мумкин. Агар ушланган шахс ростдан ҳам жинояти бўлса ва ўзи билан пичоқ ёки бирор совуқ қурол олган бўлса, жазоламоқчи бўлганларнинг соғлигига жиддий зарар етказиши мумкин;

учинчидан, ўзича судлаш бу шунчаки тартибсизлик ва маданиятсизлик бўлиб, ўзини ҳурмат қилган ҳар қандай давлатда Ҳукумат бундай ҳолатларга қарши кескин

курашади. Чунки ҳар қандай тартибсизлик мамлакатни ривожланишига тўсқинлик қилади, обрўсига салбий таъсир кўрсатади, ва вақтида тўхтатилмаса хаос, яъни бошбошдоқликка олиб келиши ҳеч гап эмас.

ҚОНУН "ЎЗИЧА СУДЛАШ"НИ ТАҚИҚЛАЙДИ

Конституциямизнинг 26-моддасида жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмаслиги белгилаб қўйилган. Яъни, тегишли суднинг қарорисиз бировни айбдор ҳисоблаш ҳам, жазолаш ҳам мумкин эмас. Бундан ташқари, "Ўзича судлаш", яъни қонун тили билан айтганда, "Ўзбошимчалик" Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 200-моддаси ва Жиноят кодексининг 229-моддасига мувофиқ, фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан муҳофаза этиладиган манфаатларига, давлат манфаатлари ёки жамоат манфаатларига жиддий зарар ёки зиён келтирмаган ҳолда содир этилса, энг кам иш ҳақининг уч бараваригача миқдорда жарима билан, фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказилишига сабаб бўлса, — энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Шунингдек, "Ўзича судлаш" қўпича жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимаслик, уриш-дўппослаш, баданга енгил шикаст етказиш ёки ўзганининг мулкига шикаст етказиш ёхуд нобуд қилиш анча зарар етказиш билан боғлиқ ҳолда содир этилади ва Жиноят кодексининг 277-моддасига мувофиқ "безорилик", деб баҳоланиб, беш йилгача озодликдан маҳрум қилишгача бўлган жазо билан жазоланади. Айбдорни аниқлаш ва жазолашни исталган одам амалга оширишга ҳақли эмас.

ҲЕЧ КИМ НОҚОНУНИЙ ҲАРАКАТИ УЧУН БИРОВНИ ЖАЗОЛАШ ҲАҚЛИ ЭМАС

Ҳозир "Ўзича судлаш" ҳолатлари кўпайиб бормоқда. Фақатгина тиббиёт ходимларига нисбатан қилинган бундай ҳаракатларни ўзини оладиган бўлсак, биргина Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази ва унинг худудлардаги филиалларида 2018 йил ва 2019 йилнинг ўтган олти ойи давомида 50 дан орტიқ тиббиёт ходимларига бемор ва унинг қариндошлари томонидан ноқонуний таъвоуз қилиниши билан боғлиқ қонунбузарликлар содир этилган. Балки, "Ўзича судлаш"га сабаб бўлган воқеаларда жабрланганларнинг ҳам айблари бордир. Яъни, ҳақиқатан ҳам ўғирлик ёки унга суиқасд қилинган, тиббиёт ходимлари билан содир бўлган воқеаларда эса сифатсиз тиббий хизмат кўрсатилгандир. Лекин шуниси аниқки, нима бўлганда ҳам айбдорларни аниқлаш ва жазолашни исталган одам амалга ошириб кетаверишга ҳақли эмас. Бунинг учун тегишли давлат органлари бор. Бирор шахсни ноқонуний ҳаракати учун жазоламоқчи бўлган одам ички ишлар, миллий гвардия, прокуратура ва бошқа давлат органларига мурожаат қилиши керак. Шу ўринда таъкидлаб ўтамиз, Жиноят кодексининг 39-моддасига мувофиқ, ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ҳокимият органларига топшириш мақсадидан ушлаш вақтида унга зарар етказиш, агар уни ушлаш учун зарур бўлган чораларнинг чегарасидан четга чиқилмаган бўлса, жиноят, деб топилмайди. Бунда махсус ваколатли шахслар билан бир қаторда жабрланувчи ва бошқа фуқаролар ҳам ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш ҳуқуқига эгадирлар. Лекин ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш чегарасидан ўтиб, уни "Ўзича судлаш"ни амалга оширганларнинг ўзлари ҳам судланишлари аниқ. Фақат улар қонуний тартибда судланадилар ва жазоланадилар!

САМОСУД

Бизга маълум бўлишича, Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ҳуқуқий сиёсат тадқиқот институти "Ўзича судлаш"дан келиб чиқадиган ҳуқуқбузарликлар билан боғлиқ қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритишни таклиф қилапти. Шу юзасидан ва бошқа саволлар билан Ҳуқуқий сиёсат тадқиқот институти масъул ходими Абдухалил ТУРСУНОВ-га юзландик:

— Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 200-моддаси ва Жиноят кодексининг 229-моддасида фуқаролар томонидан содир этиладиган "Ўзбошимчалик"ка нисбатан белгиланадиган жавобгарлик келтирилган. Бироқ ўзбошимчалик умумий тушунча, унинг талқини ҳар хил бўлиши мумкин. Қонунчилигимизда айнан самосуд ва у билан боғлиқ жавобгарлик белгиланганми?

— Қонунчилигимизда айнан самосуд ва у билан боғлиқ жавобгарлик белгиланган. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 200-моддаси ва Жиноят кодексининг 229-моддасида назарда тутилган жазолардан ташқари, ўзича судлаш оқибатларидан келиб чиқиб, жазо янада оғирлашиши мумкин. Масалан, ўзича судлаш оқибатида кимдир ўлдириб қўйилса, унда қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида одам ўлдириш (жазоси — 25 йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки умрбод озодликдан маҳрум қилишгача), тан жароҳати етказилса қасддан баданга шикаст етказиш (жазоси — 2 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки 1 йилдан 3 йилгача озодликни чеклаш ёхуд 3 йилгача озодликдан маҳрум қилишгача), агар ўзича судлаш хизмат вазифинини бажараётган ҳокимият вакилининг қонуний фаолиятига ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахсга нисбатан амалга оширилса, унда ҳокимият вакилига ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахсга қаршилиқ кўрсатиш (жазоси — 3 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки 2 йилдан 5 йилгача озодликни чеклаш ёки 5 йилгача озодликдан маҳрум қилишгача), деб баҳоланиши ва айбдор шахслар ана шу жиноятлар учун белгиланган жазога тортилиши мумкин.

— Нега одамлар орасида ўзича жазолаш ҳаракатлари кўпайди? Минг афсуски, фуқароларимиз онгидан шундай тасаввур бор: кайсидир ҳуқуқбузарлик ёки жиноят учун жазо берилса, аммо ҳеч қанча вақт ўтмай жиноятчи ҳеч нарса кўрмагандай қайтиб келади, уларнинг наздида қонун билан бериладиган жазо кучсизроқдек. Шу сабаб ўзлари ҳалқ орасида шармисор қилиб айбдорни жазоламоқчи бўлишди, бу улар учун таъсирлироқ усул гўё. Сизнингча, аҳолининг бу борадаги ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларда қонунга нисбатан ҳурмат ҳиссини уйғотиш учун нима қилиш керак?

— Аҳолига мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари ва давлат дастурларининг маъзун-

моҳиятини изчил етказиш тизимини шакллантириш, фуқаролар онгидан "Жамиятда қонунга ҳурмат руҳини қарор топтиради — демократик ҳуқуқий давлат куришининг гаровидир!" деган ҳаётий гоғни муштахкамлаш лозим, деб ўйлайман. Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда, энг аввало, таълим-тарбиянинг тизимли ва узвий равишда олиб борилишига алоҳида эътибор қаратиш, мактабгача таълим тизимидан бошлаб, аҳолининг барча қатламларига ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни синдириш, шахсий манфаатлар ҳамда жамият манфаатлари ўртасидаги мувозанатни сақлаш гоғларини тарғиб қилиш керак. Шунингдек, бу борада ҳуқуқий-маърифий тадбирлар, оммавий ахборот воситалари орқали ҳуқуқий маданиятни тарғиб қилиш, одамларга ҳуқуқий ахборотларни етказиш яхши самара беради.

— Ҳуқуқий сиёсат тадқиқот институти "Ўзича судлаш"дан келиб чиқадиган ҳуқуқбузарликлар билан боғлиқ вазиятни таҳлил қилиб, хориж тажрибасини ўрганган ҳолда, бундай ҳуқуқбузарликлар учун жазо чораларини кучайтириш бўйича тегишли қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш борасида қандай таклифлар тайёрламоқда? Бу ҳақда батафсилроқ гапирсангиз.

— Институтимиз ҳозирда "Ўзича судлаш"дан келиб чиқадиган ҳуқуқбузарликлар билан боғлиқ вазиятни таҳлил қилмоқда. Хориж тажрибасини ўрганиб, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ва Жиноят кодексига қўйиладигарини назарда тутувчи ўзгартиришларни киритиш ҳақидаги таклифлар устида иш олиб бораёғимиз:

— олдиндан тил бириктирган бир гуруҳ шахслар томонидан ўзбошимчалик билан суд қилганлик учун жавобгарлик;

— оғир оқибатларга олиб келган ўзбошимчалик билан суд қилганлик учун жавобгарлик;

— қонунга хилоф жамоат бирлашмасининг умумий мақсадларига эришиш йўлида ушбу жамоат бирлашмасининг бирон аъзоси томонидан ўзбошимчалик билан суд қилганлик учун жавобгарлик.

Агар маъзур бандлар бўйича ҳам кодексларга ўзгартириш киритилса, "самосуд" билан боғлиқ жиноятларга жавобгарлик белгилашда мустаҳкам қонунчилик тизими пайдо бўлади.

"Инсон ва қонун" муҳбири
Мадҳия АБАЗОВА тайёрлади.

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 2019 йил 6 январдаги “Судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори суд-ҳуқук соҳасида кадрлар тайёрлаш ва судьялик корпусини шакллантиришдаги қатор муаммолар ечими сари қўйилган муҳим қадам бўлди.

СУДЬЯЛАР ОЛИЙ МАКТАБИ БУ ҲАҚДА НИМАЛАРНИ БИЛАСИЗ?

Қарорга мувофиқ, эндиликда судьялик лавозимларига номзодларни қабул қилиш 2019-2020 ўқув йилидан бошлаб фақат судьялик лавозими захирасида бўлган шахслар орасидан танлов асосида Судьялар олий кенгаши томонидан Олий суд билан биргаликда белгиланадиган квоталар бўйича амалга оширилади. Бўлгуси судьяларни ўқитиш грант асосида судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш курсларида бир йиллик магистратура таълим дастури бўйича ташкил этилади. Тайёрлаш курсларига қабул қилинган судьялик лавозимига номзодлар асосий иш жойи бўйича лавозимидан озод қилинади, бироқ уларнинг эгаллаган лавозими бутун ўқиш даври мобайнида сақланади. Курс тингловчилари судья ёрдамчисининг бир ойлик миқдоридаги стипендия билан таъминланади. Судьялик лавозимларига 2020 йил 1 сентябрдан бошлаб фақат бундай курслардан ўқиниш муваффақиятли тамомлаган шахслар тайинланади. Ўқиш дастурини бажармаган ёки тақлиф этилган судьялик лавозимини эгаллашни рад этганлар бутун ўқиш даврида олинган стипендия суммасини давлат бюджетига тўлиқ миқдорда қоплаб беради. Судьяларни дастлабки муддатга тайинлашнинг амалдаги

тартиби 2019-2020 ўқув йили тугагунга қадар сақлаб қолинади.

Шунингдек, ушбу Қарорга мувофиқ, Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Одиал судлов муаммоларини ўрганиш тадқиқот марказининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси сифатида Судьялар олий мактаби ташкил этилди. Судьялар олий мактаби судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш амалга оширувчи давлат таълим ва илмий-тадқиқот муассасаси ҳисобланади.

Қарорга кўра, Судьялар олий мактабига Судьялар олий кенгаши раисининг тақдимномасига асосан Президент томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган директор раҳбарлик қилади. Профессор-ўқитувчилар таркибига Олий суд судьялари учун, Олий мактабнинг бошқа ходимларига Олий суд аппарати ходимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш шартлари татбиқ этилиши назарда тутилган.


Судьялар олий кенгаши ва Олий суд зиммасига қонун ҳужжатларида назарда тутилган вазифаларни бажариш билан бир қаторда қуйидаги устувор масалаларда Олий мактаб-

ни ҳар томонлама ривожлантиришга қўмаклашиш юкланди. Жумладан:

- судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув режаларини (дастурларини) ишлаб чиқиш, замонавий таълим технологияларини жорий этиш;
- Олий мактаб тингловчилари стажировка ўташи учун зарур шароитларни яратиш;
- илмий ишланмалар натижаларини қонун ижодкорлиги фаолияти ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига жорий этиш;
- судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларининг малакасини ошириш соҳасида халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш ва ривожлантириш.


Хулоса қилиб айтганда, мазкур Қарорнинг қабул қилиниши билими, суд ишини тўлақонли бошқара оладиган, янгиликларни фикрлайдиган, адолатли қарор қабул қилишга қодир бўлган маҳорат соҳибларидан иборат кадрларни тайёрлашга хизмат қилади.

Акмал МИРЗАХОНОВ,
жиноят ишлари бўйича
Бектемир туман суди судьяси



25 МИЛЛИОН ЁХУД 150 МИЛЛИАРД АҚШ ДОЛЛАРИ: БУ РАҚАМЛАР НИМАНИ АНГЛАТИШИНИ БИЛАСИЗМИ?

СТАТИСТИК маълумотларга кўра, ҳозирда дунёда замонавий қўлликнинг қурбони бўлган кишилар 25 миллионни ташкил этмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг хабарига кўра, одам савдосидан келадиган йиллик даромад тахминан 150 миллиард АҚШ долларини ташкил этади. Албатта, бу ачинарли ҳолат. Шу боис бугунги кунда мамлакатимизда одам савдоси ҳамда мажбурий меҳнатнинг ҳар қандай кўринишига нисбатан муросасиз муносабат билдирилиб, унинг олдини олиш, мазкур жиноят қурбони бўлган шахсларга ижтимоий қўмаклашиш доимий равишда амалга оширилмоқда.



Хусусан, мазкур соҳада “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 5 ноябрдаги “Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш бўйича Республика реабилитация марказини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинган. Шунингдек, мазкур жиноятга нисбатан жазони назарда тутувчи норма Жиноят кодексининг 135-моддасида ўз аксини топган.

Шу ўринда айтиш лозимки, одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар кўрсаткичининг пасайишига аҳолини мазкур жиноятларнинг хавфи ҳақида хабардор қилиш орқали эришиш самарали усул эканлиги амалда ўз исботини топмоқда. Бош прокуратура маълумотига кўра, республиканинг 29 та чегара постида чет элга чиқарилган фуқаролар билан маърифий суҳбатлар ўтказилиб, мажбурий меҳнат ва бошқа қўлиқ таҳдидлари тўғрисида маълумот берувчи рисолалар тарқатилмоқда.

Ҳозирда республикаимизда одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш бўйича Республика реабилитация маркази одам савдоси жабрдийдаларини қўлай яшаш ва шахсий гигиена шарт-шароитлари, шунингдек, озиқ-овқат, доривор воситалар ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш, уларга кечиктириб бўлмайдиган тиббий, психологик, ижтимоий, юридик ва бошқа ёрдам кўрсатиш чораларини амалга оширмоқда. Жумладан, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш, яқинлари билан мулоқот ўрнатилишига қўмаклашиш, қариндошларига ва васийларига одам савдоси жабрдийдаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари тўғрисида ахборот бериш каби масалаларда қўмаклашмоқда.

Мазкур соҳада амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг узвий давомий сифатида Президентимиз 2019 йилнинг 30 июлида “Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонни имзолади.

Фармон билан Одам савдосига қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш Миллий комиссияси этиб қайта ташкил қилинди. Миллий комиссия Одам савдосига қарши курашиш масалалари бўйича ҳамда Мажбурий меҳнатга қарши курашиш масалалари бўйича кичик комиссиялардан иборат.

Давлат органлари ва ҳудудий органларнинг, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш Миллий комиссиянинг асосий вазифаларидан этиб белгиланди.

Шунингдек, Фармон билан Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича миллий маърузачи институтини таъсис этилди. Миллий маърузачи одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш соҳасидаги вазият ҳақида Президентга ҳар йили ахборот тақдим этади.

Мазкур ўзгаришлар республикаимизда одам савдосига ҳамда мажбурий меҳнатга қарши курашиш жараёнига ўзининг ижобий таъсирини ўтказиши, шубҳасиз.

Нозимбек ЮЛДОШЕВ,
Адлия вазирлиги масъул ходими

Тадбиркорга АСОССИЗ 2 КАРРА ер солиғи ҳисобланди

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилига “OSTEN-MIX” МЧЖ ҳисобчиси В.Ананова Шайхонтоҳур туман давлат солиқ идораси ходимлари томонидан солиқ қарзи нотўғри ундирилганлигидан норози бўлиб мурожаат қилган.



Вакиллик томонидан ушбу мурожаат ўрганилганда, ҳақиқатан “OSTEN-MIX” МЧЖ 2017 йил сентябрь ойидан Шайхонтоҳур туман, Гулобод мавзеси, 44А уйда ўз фаолиятини юритиб келаётганлиги, фойдаланилмаётган объект сифатида рўйхатга киритилмаганлигига қарамастан Шайхонтоҳур туман ДСИ томонидан унга нисбатан асоссиз икки карра ер солиғи ҳисобланиб, ҳисоб рақамидан 5.247.015 сўм солиқ қарзи ва 1 407 сўм пеня жами 5.248.422 сўм пул ундирилганлиги аниқланган.

Мазкур ҳолат юзасидан Ўзбекистон Республикаси

Солиқ қўмитасига тадбиркорлик субъекти манфаатида асоссиз ундирилган солиқ пулини қайтариш мақсадида тақдимнома киритилди. Қўрилган таъсир чораси натижасида тадбиркорнинг талаби тўлиқ қаноатлантирилди, асоссиз ечилган қарз пули қайтариб берилди.

Дониёр МАХМУДОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил девонининг Тошкент шаҳар ҳудудидега фаолият кўрсатувчи ходими

ТЕКИН ЛУҚМА ТОМОҚ ЙИРТДИ...

АЙРИМ кимсалар борки ўзгаларнинг мол-мулки, пулларини гайриқонуний қўлга киритиш ёки тортиб олиш пайда бўлишади. Қашқадарлик Ражаб Жомуродов ҳам (исм-шарифлар ўзгаририлган) шундай кимсалар тоифасидан бўлиб чиқди. У бир неча бор суднинг қора курсисидан ўтирган. Аммо қилган қабих ишларидан тўғри хулоса чиқармади шекилли яна такроран ўғирлик содир этиб, ўзгаларнинг маблағи ва мол-мулкини ўз эҳтиёжлари учун ишлатиб келди. Энг ёмони, у ҳар гал бозор оралаб, ким мол сотиб олиш мақсадида бозорга кирганлигини аниқлаб сўнгра харидор-

нинг пуллари қарда жойлашганлиги билан қизиқади ва аниқлағач, “ов”га киришади.

Жумладан, 2017 йил 29 март кунини соат 05:00 ларда Чирокчи туманидаги бозорнинг орқа томонида турган “Нексия” русумли автомашина юкхонасини металл жисм билан очиб, юкхонада турган жами 9,770,000 сўм пулни ўғирлаб кетади.

Р.Жомуродов бундай ўғирликларни тумандаги яна қўллаб бозорларда бир эмас, бир неча маротаба амалга ошириб, бозорга мол олиш мақсадида келган кишиларнинг “шўрини қурипти” келган.

Қингир иш қачон бўлмасин фош бўлади ва унга жазо муқаррардир.

Ҳа, халқимизнинг “Текин луқма томоқ йиртар”, деган мақоли нақадар тўғри эканлиги яна бир бор ўз исботини топди. Йиллар давомида ўзгалар пулини ўғирлик йўли билан қўлга киритиб, ўз эҳтиёжлари учун ишлатиб юрган Р.Жомуродовнинг қилмишлари ҳуқуқий муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан фош этилди ва у ўз қилмишларига яраша жазосини олди.

Гулҳаё НУРМЕТОВА,
“Инсон ва қонун” муҳбири

МИБ ВА “БУХОРОГАЗ” ФИЛИАЛИГА МАЖБУРИЯТ ЮКЛАТИЛДИ

БУХОРО вилоят, Қоровулбозор туман, Навбахор МФЙ ҳудудида яшовчи фуқаро Б.Каримов Қоровулбозор туман адлия бўлимига табиий газдан қарздорлиги мавжуд бўлма-са-да, Мажбурий ижро бўлими ходимлари томонидан ўзи яшаб турган хонадон газ тармоғидан узилганлиги сабабли мазкур масалада амалий ёрдам сўраб мурожаат қилди.

Адлия бўлими томонидан аризада кўрсатилган ҳар бир ҳолат тўлиқ ўрганиб чиқилди. Ўрганиш жараёнида Б.Каримовнинг табиий газдан қарздорлиги мавжуд эмаслиги аниқланди, фуқаронинг манфаати юзасидан судга даъво аризаси киритилди.

Фуқаролик ишлари бўйича Когон туманлараро суди томонидан даъво ариза тўлиқ қаноатлантирилиб, норéal қарздорлик бартараф этилди ҳамда туман мажбурий ижро бўлими ва “Бухорогаз” ҳудудий газ таъминоти филиалига фуқаро Б.Каримовнинг хонадонини газ тармоғига улаш мажбурияти юклатилди. Натжида эса, мурожаат эгасининг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

М.ПҲЛАТОВ,

Қоровулбозор туман адлия бўлими бошлиғи



АДЛИЯ ОРГАНЛАРИ ҚОНУНБУЗИЛИШ ҲОЛАТЛАРИГА ҚАРШИ

МУРОСАСИЗ
КУРАШДА
ДАВОМ ЭТАДИ



Хусусан, бошқарма раҳбарияти томонидан жорий йилнинг ўтган олти ойи давомида Наманган вилоятининг Косонсой, Норин, Поп, Чуст, Чортқоқ, Янгикўрғон, Мингбулоқ, Наманган, Учкўрғон, Уйчи, Тўрақўрғон туманлари ҳамда Наманган шаҳридаги 18 та маҳалла фуқаролар йиғинларида жами 18 марта сайёр қабул ташкил этилиб, ушбу сайёр қабуллар давомида жисмоний ва юридик шахслардан жами 300 га яқин мурожаатлар қабул қилинди.

Мурожаатлар бошқарманинг тегишли таркибий бўлиmlари томонидан ўрганиб чиқилиб, шундан 166 таси қаноатлантирилди, 63 таси ҳуқуқий тушунтириш бериш йўли билан ҳал этилди, 47 таси тегишлилиги бўйича кўриб чиқиш учун ваколатли идораларга юборилди.

Шунингдек, туман (шаҳар) адлия бўлиmlари томонидан турли ҳудудларда 344 та маҳалла фуқаролар йиғинида сайёр қабул ташкил этилди. Ушбу сайёр қабуллар давомида фуқаролардан турли

соҳаларга оид 812 та мурожаат келиб тушди. Макур мурожаатларнинг 692 таси кўриб чиқилиб, шундан 579 таси қаноатлантирилди, 113 таси ҳуқуқий тушунтириш бериш орқали ҳал этилди. Қолган мурожаатларнинг 70 таси жойида ҳал этилди, 50 таси эса тегишлилиги бўйича кўриб чиқиш учун ваколатли идораларга юборилди.

Жумладан, ўтказилган сайёр қабуллар давомида Тўрақўрғон туманида яшовчи бир гуруҳ фуқароларининг Наманган вилоят “Тоza ҳудуд” ДУК томонидан берилмаётган иш ҳақини олишда амалий ёрдам бериши сўраб ёзган мурожаати Тўрақўрғон туман адлия бўлими томонидан ўрганиб чиқилиб, судга даъво аризаси киритилиши натижада уларга иш ҳақлари ундириб берилди.

Бундан ташқари, Мингбулоқ туманида яшовчи бир гуруҳ фуқароларининг сулоғтирилган газ баллони олишда амалий ёрдам сўраб ёзган мурожаати Мингбулоқ туман адлия бўлими томонидан ўрганиб чиқи-

НАМАНГАН вилоят адлия бошқармаси томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш соҳасида вилоятнинг марказдан узоқ бўлган олис ҳудудлардаги аҳолини ҳам камраб олиш ва бу орқали халқ дардини халқнинг ичига кирган ҳолда тинглаш, уларни қийнаб келаятган муаммоларини қонуний ҳал этиш мақсадида жойларда доимий равишда сайёр қабуллар ўтказиб келинмоқда.

либ, Мингбулоқ туман газ бўлими томонидан газ баллон берилиши таъминланди.

Шунингдек, Учкўрғон туманининг Обод МФЙда яшовчи фуқаролар томонидан аҳоли учун ажратилган арзон нарҳдаги ун маҳсулотлари тарқатилмаётганидан норози бўлиб ёзган мурожаатлари Учкўрғон туман адлия бўлими томонидан ўрганиб чиқилиб, “Учкўрғон дон маҳсулотлари” АЖ томонидан аҳоли эҳтижлари учун арзон ун маҳсулотлари тарқатилди.

Юқоридаги каби аҳолини қийнаб келаятган масалаларнинг ҳеч бири эътибордан четда қолмаётганини таъкидлаган ҳолда адлия органлари фуқароларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва ҳар қандай қонунбузилиш ҳолатларига қарши мурасасиз курашишда давом этади.

Оттабек РАҲИМОВ,

Наманган вилоят адлия бошқармаси масъул ходими

Меҳнат дафтарчасида бору иш стажида йўқ

КАТТАҚҲРҲОН шаҳар адлия бўлимига фуқаро Орип Қодиров мурожаат қилди. У ишлаган бир йиллик даври пенсия учун стажга ўтмай қолганлиги сабабли бузилган ҳуқуқини тиклашга амалий ёрдам бериши сўради.

Ўрганиш жараёнида фуқарога Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Каттақўрғон шаҳар бўлими томонидан меҳнат стаж 39 йил 2 ойни ташкил этганлиги асос қилиниб, 2010-2014 йиллардаги 5 йиллик ўртача ойлик иш ҳақи 1.007.643 сўмдан олинди, пенсия тайинланганлиги аниқланди.

Шунингдек, О.Қодировга пенсия тайинлашда Самарқанд шаҳар идораларо хўжалик ҳисобидаги шахсий таркиб архивининг 2015 йил 23 февралдаги 22-к-сонли архив маълумотномасида 1977 йил иш ҳақи китобларида унинг фамилияси қайд этилмаганлиги сабабли пенсия тайинлашда ушбу давр

иш стажига олинмаган.

Ҳақиқатан ҳам, 1977 йил иш ҳақи китобларидан О.Қодиров қайд этилмаган. Лекин меҳнат дафтарчасида у 1976 йил 16 июлда Самарқанд локомотив депосига тепловоз машинисти ёрдамчиси лавозимига қабул қилиниб, 1979 йил 1 октябрда бошқа ишга ўтганлиги сабабли бўшатишганлиги қайд этилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 сентябрдаги қарорига асосан меҳнат дафтарчаси иш стажини тасдиқлайдиган асосий ҳужжат ҳисобланади.

Бироқ архив маълумотномасида О.Қодировга 1977 йилда иш ҳақи ёзилмаганлиги асос қилиниб, бу давр иш стажига қўшилмаган ва натижада унинг жами иш стаж 39 йил 2 ойни ташкил қилган. Шу сабабли Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Самарқанд вилоят бошқармасига тақдимнома киритилиб, унга тайинланган

пенсия миқдорини қайта кўриб чиқиб, қонунга мувофиқлаштириш сўралди. Аммо тақдимномага жавобан фуқарога пенсия тайинланганлиги тўғри асос қилиниб, қайтадан пенсия тайинланмади. Шундан сўнг судга мурожаат қилинди.

Каттақўрғон туман маъмурий судининг 2019 йил 25 июндаги қал қилув қарори билан адлия бўлимининг аризаси қаноатлантирилиб, Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Каттақўрғон шаҳар бўлими зиммасига О.Қодировнинг 1977 йилда Самарқанд локомотив депосида ишлаган даврини пенсия тайинлашда меҳнат дафтарчаси бўйича умумий иш стажига қўшиб ҳисоблаш мажбурияти юклатилди ва фуқаронинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Алишер МАМАТОВ,

Каттақўрғон шаҳар адлия бўлими бошлиғи

ФИРРОМЛИКНИНГ ОЛДИ ОЛИНДИ

ҲАЁТДА ҳеч қачон текис ва осон йўл йўқ. Инсон борки, у ёки бу қийинчиликларга дуч келиши аниқ. Айниқса, ҳақ-ҳуқуқи бузилганда, қонунбузилишлар жонига текканда, қўлчилик адлия идораларига мурожаат қилиб, муаммоларига ечим топишда кўмак сўрайди.

Хатирчи туман Деҳқонобод маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаро М.Қамбаров ҳам 2019 йил 7 май куни туман адлия бўлимига мурожаат қилиб, имтиёзли кредит асосида қорамол ололмаётганлигини баён қилиб, ушбу масалада ёрдам бериши сўраган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2018 йил 8 июндаги 20/1-сон қарори билан тасдиқланган “Ҳар бир оила — тадбиркор” дастури доирасида кредитлар ажратиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 8-бандида микрокредитлар 6 ойга имтиёзли давр билан 3 йилдан кўп бўлмаган муддатга ажратилиши белгиланган.

Юқоридагиларга асосан туман адлия бўлимининг қонуний аралашуви билан фуқаро М.Қамбаровга “Ҳар бир оила — тадбиркор” дастури доирасида тўрт бош чорва моллари олиб берилиши таъминланди.

Худди шунингдек, Хатирчи туман “Боғчакалон” маҳалла

фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаро Ф.Хушмуродов туман адлия бўлимига мурожаат қилиб, 2018 йил пахта ҳосилини нес-нобўл қилмасдан териб олишда отряд усулида пахта йиғим-терим ташкил этилганлиги, 28-сонли шартнома асосида Хатирчи туман Фермер деҳқон хўжалиги, томорқа ер эгалари Кенгаш билан шартнома тузилганлиги, макур шартномага асосан терилган пахта 80 тоннадан ошганда, ҳар бир тонна учун 50 000 минг сўмдан қўшимча равишда рағбатлантириш белгилаб қўйилган бўлса-да, рағбатлантириш суммалари Кенгаш томонидан тўлаб берилмаганлигини баён қилган эди.

Макур мурожаат юзасидан туман адлия бўлими томонидан фуқаро Ф.Хушмуродовнинг манфаатида фуқаролик ишлари бўйича Кармана туманлараро судга даъво ариза киритилиб, суднинг 2019 йил 13 майдаги ҳал қилув қарорига асосан Ф.Хушмуродов фойдасига кўрсатилган хизмат учун 9 450 000 сўм ундириб берилиши таъминланиб, фирромликнинг олди олинди.

Маҳмуд САТАЕВ,

Хатирчи туман адлия бўлими етакчи маслаҳатчиси

Болага қаровчи тоға, НАҲАҚАНИ ОЛУВЧИ ЭСА ОТА

ҲАЁТНИНГ қутилмаган зарбалари, синовлари қўп. Олти ёшлигида онаси вафот этган Т.Нурмаматовнинг кўнглини энди ҳеч нарса тўлдиролмайди. Чунки онанинг ўрнини ҳеч ким босолмайди, у берган меҳрини ҳеч ким, ҳатто ота ҳам беролмайди. Онасидан айрилганга қўнжа олмаган ўсимир ўз отаси билан бирга яшашни ҳам хоҳламаддан тоғасиникига кетиб қолди. Шундан сўнг Навбахор туман ҳокимининг қарори билан тоғаси С.Рўзиқулов жияни Т.Нурмаматовга ҳомий этиб тайинланди. Аммо бола отасиникидан кетган бўлишига қарамадан, болага боқувчисини йўқотганлиги учун берилмаган нафақани отаси олаверди.

Боланинг ўз ҳақ-ҳуқуқи бор. Г.Ҳолиқова Т.Нурмаматовнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиши сўраб, Навбахор туман адлия бўлимига мурожаат қилди. Адлия бўлими томонидан тумандаги Қоровултепа маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаро Г.Ҳолиқованинг мурожаати ўрганиб чиқилди.

Мурожаатда у қайиниқасининг 2003 йилда туғилган ўғли Т.Нурмаматов 2018 йилнинг ноябридан ҳозирги кунга қадар уларнинг қарамоғида эканлиги, унга тайинланган нафақани унинг отаси И.Бекмуродовдан қайтариб олиб бериши сўраган.

Аниқланишича, Т.Нурмаматов онаси Ҳ.Рўзиқулова 2009 йилда вафот этганидан сўнг отаси И.Бекмуродовнинг қарамоғида яшаб келиб, у билан ўзаро келиша олмаганлиги боис 2018 йилнинг ноябрь ойидан бошлаб тоғаси С.Рўзиқулов ва янгаси Г.Ҳолиқованинг қарамоғига келиб, улар билан яшашини билдирганлиги учун туман халқ таълими бўлими ҳузуридаги “Васийлик ва ҳомийлик” органининг 2019 йил 6 майдаги ҳулосасига кўра, туман ҳокимининг қарори билан Т.Нурмаматовга тоғаси С.Рўзиқулов ва Г.Ҳолиқовалар ҳомий этиб тайинланган.

Лекин Т.Нурмаматов 2018 йил 5 ноябрдан бошлаб тоғаси Сирож Рўзиқулов ва янгаси Гулбаҳор Ҳолиқованинг қарамоғига келган бўлса-да, 2018 йил ноябрь-декабрь, 2019 йил январь-май ойлари учун 141923 сўмдан жами 993461 сўмлик боқувчисини йўқотганлик нафақасини отаси И.Бекмуродов олиб келган.

Мурожаатни ўрганиш давомида Т.Нурмаматовга боқувчисини йўқотганлик нафақаси тўғри тайинланганлиги, бироқ фуқаро И.Бекмуродов билан ўғли 2018 йил ноябрь-декабрь, 2019 йил январь-май ойларида бирга яшамаган бўлса-да, И.Бекмуродов ўғлига тегишли бўлган жами 993461 сўмлик боқувчисини йўқотганлик нафақасини олганлиги аниқланиб, 993461 сўмлик нафақа ҳомий Г.Ҳолиқовага нақд пул шаклида ундириб берилиши таъминланди.

Йиғитали ЭРМАТОВ,

Навахор туман адлия бўлими етакчи маслаҳатчиси

САЙЁР ҚАБУЛ: Вазир ўринбосари Сирдарёда

Довоми. Бошлонғиши 1-бетда



“СУВОҚОВА”ГА БОРДИК, АММО...

Сирдарё шаҳри, Ўзбекистон кўчасида истиқомат қиламан. Уйимизнинг тагидан ўтган қувур ёрилиб, икки ойдан буён сув оқиб ётибди. Камига ахлат тўпланаёпти. Бир неча бор “Сувоқова” корхонасига мурожаат қилдик, муаммо ҳал бўлмади. Сайёр қабул пайтида тегишли ташкилот муаммони эртага ҳал этишга ваъда берди.

Елена ПЕРМЯКОВА,
Сирдарё шаҳри

ДҲКОНИМ “СНОС”ГА ТУШДИ
КОМПЕНСАЦИЯ ЭСА ТўЛАНМАДИ

Менинг дўконим йўл устида бўлгани учун бузилди. Аммо компенсациясини ололмадим. Вазир ўринбосарининг қабулидан сўнг туманимиз ҳоқими 4 кун ичида дўконнинг фундаментини қуриб, бир ой ичида эса тиклаб берадиган бўлди. Жудаям хурсандман.

Альбина КАРАТАЕВА,
тадбиркор

БИЗ ҲАМ ЎЗ МУЛКИМИЗГА
ЭГА БўЛДИК

Мен туман раҳбарияти, айниқса, адлия бўлимига раҳматини айтгани келдим. Чунки 30 йилдан буён кадастри йўқ ҳовлида яшайман, болаларим ҳам оиласи билан рўйхатга қўйилмай сарсон эди. Минг раҳмат, Ҳукуматимизнинг 461-сон Қарорига асосан уйимни расмийлаштириб беришди, энди биз ҳам ўз мулкимизга эга бўлдик.

Хасанбой ота ЗОКИРОВ,
Фарғона шаҳарчасидан

КўП ТАРМОҚЛИ
ХўЖАЛИК
ЯРАТМОҚЧИМАН

Мен асаларичилик билан шуғулланаман, “Мубина бол асали” МЧЖ раҳбариман, эндиликда, кўп тармоқли хўжалик қилиб, тадбиркорлигимни кенгайтирмоқчиман. 10 гектар ерим бор, шунинг 50 сотиҳа ишлаб чиқариш цехи, қорва учун молхона ҳамда товўқхона қурмоқчиман. Бу лойиҳа амалга ошса камиде 10 нафар аҳолини иш билан таъминлаймиз. Сайёр қабулда менинг муаммойимни тинглаб, ечимини топишга, ҳоқимнинг қарорини чиқариб беришга ваъда беришди. Миннатдорман.

Хайрулло ИСМОИЛОВ,
Сардоба тумани

ЎТГАН ҳафтанинг охирида “Фориш” тоғ полигониде V Халқаро армия ўйинлари доирасиде Ўзбекистонда илк маротаба ўтказилаётган “Ҳарбий-тиббий эстафета” танловининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Жорий йилги “АрМИ-2019” мусобақалари рекорд даражадаги иштирокчиларни — 36 давлатдан 217 та жамоанинг 5 миңдан зиёд ҳарбийларини ўз ичига қамраб олди. Дебютант мамлакатлар сифатида бу гал майдонларда Иордания, Камбоджа, Конго ва Мали республикалари, Куба ва Шри-Ланкадан келган ҳарбийлар куч синашади.

— Халқаро армия ўйинлари турли давлатлар Қуролли Кучларининг бўлими ва жамоалари ўртасиде спортнинг ҳарбий-амалий турлари бўйича ўтказилаётган комплекс мусобақа ҳисобланади, — дейди Мудофаа вазирлиги ахборот ва коммуникациялар департаменти бўлими бошлиғи майор Ахрор Очиллов. — Ўйинларнинг асосий мақсади давлатлар ўртасиде халқаро ҳарбий ҳамкорликни мустаҳкамлаш, тинчлик ва ҳамжихатлик йўлидаги ишончли муносабатларни ривожлантиришдан иборат. Қолаверса, касбий маҳоратни такомиллаштириш,

АрМИ – 2019:
Чин
ҳарбийликнинг
олий синови

ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда ҳарбий хизмат нуфузини ошириш ҳам кўзда тутилган. Қарийб 10 000 гектардан иборат бўлган полигон ҳудудиде пухта тайёргарлик қўрилди. Спорт заллари, стадион, бассейн, ошхона, ётоқхона, меҳмонхоналар шай ҳолатга келтирилди.

Ҳарбий-тиббий эстафета индивидуал маҳорат ва жамоа биринчилиги босқичларида олиб борилаяпти. Мусобақаде Қуролли Кучларнинг қўшинлари бўғинида 40 ёшдан катта бўлмаган, 6 ойдан кам бўлмаган мўддат давомида тиббиёт лавозимларида хизмат ўтаётган контракт асосидеги ҳарбий хизматчилар орасидан ҳарбий шифокорлар ўрта ва кичик тиббиёт ходимлари ҳамда ҳарбий-тиббиёт билим юрларининг курсантлари иштирок этаёпти.

— Мен Самарқанднинг гавҳари — Регистоннинг суратларини интернет тармоқлари орқали кўп маротаба кўрганман, — дейди Ангола Республикаси вакили кичик сержант Алберто Авелино. — Менга бу эртакнамо шаҳар ниҳоятда ёқди. Тарихий обидалар қаршида қўллаб суратларга тушдим. Ватанингизга келганимдан мамнунман.

V Халқаро Армия ўйинларини 10 та давлат ҳудудиде ўтказиш режалаштирилган. Унда 32 та йўналиш бўйича 85 давлатдан келган 6 миңдан ортиқ иштирокчилар қатнашади. Юртимиз ҳарбийлари мусобақанинг “Танк биатлони”, “Мерганлик марраси”, “Кўшин разведкаси аълоқилари”, “Рембат”, “Содиқ дўст”, “Дала ошхонаси”, “Хавфсиз маршрут”, “Йўл патрули”, “Артиллерия отиш устаси”, “Қуролсиз уста”, “Ҳарбий

ралли”, “Мусаффо осмон”, “Эльбрус халқаси”, “Ҳарбий-тиббий эстафета” каби 14 та йўналиш бўйича иштирок этади. Шу мақсадда Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчиларидан иборат Ўзбекистон жамоаси Халқаро армия ўйинларининг Россия Федерациясида бўлиб ўтадиган мусобақаларида иштирок этиш учун белгиланган манзилга етиб бориб, ҳар ким ўз жамоасидеги вазифаларни бажаришга бел болаган.

Бизга спортчиларимиз эришган ютуқлардан гурурланиш ҳисси жуда таниш. Ҳамюртларимизни жаҳон шоҳусласининг олий ўринлариде кўриш жуда ёқимли. Умид қиламики, ҳарбийларимиз юксак марраларни забт этади.

“Инсон ва қонун” муҳбири
Мадина ҲАМДАМОВА
тайёрлади.

30 ИЮЛЬ куни Тошкент шаҳрида
Бутунжаҳон одам савдосига қарши
курашиш кунига бағишланган бир
қанча муҳим маънавий-маърифий
тадбирлар бўлиб ўтди.

Авваламбор, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси “Одам савдоси жабрдийдаларини келиб чиқиш мамлакатига қайтариш жараёнида инсон ҳуқуқларига амал қилиш бўйича Дастуруламал принциплар” тўпламининг ўзбек тилидаги наشري тақдими ўтказилди.

Китобнинг ўзбек тилидаги таржимаси Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ташаббуси билан амалга оширилган бўлиб, тақдирот Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистондаги Лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси ҳамда ЕХҲТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Бутунжаҳон одам савдосига қарши курашиш куни тадбирлари доирасиде “Муҳаббат ила Соня” номли бадий фильмининг ёпиқ намойиши бўлди. Фильм ҳаётий воқеаларга асосланган бўлиб, унда Ҳиндистоннинг чекка қишлоқларидан бирида туғилган қизнинг аччиқ тақдирини ҳақида ҳикоя қилинади.

Туғилган оласининг ҳаётини сақлаб қолишга аҳд қилган Соня оқибатда турли алдовлар туфайли глобал одам савдоси тўрига тушиб қолади. Ёшгина қизнинг аламли саёҳат йўли учта қитъа бўйлаб ўтади. Аммо у уйдан олисда ҳам умидсизликка тушмайди. Аксинча, доим оруз-ҳавас билан яшайди ва ҳаёт учун курашади.

Мазкур бадий фильм илк бор май ойида Венада намойиш этилган. Фильмнинг Тошкентдаги намойиши олдидан “Муҳаббат ила Соня” номли бадий фильми бош қаҳрамони ролининг ижросиси, ҳиндистонлик кино-

юлдуз Мрунал Тхакур билан мулоқот бўлиб ўтди.

— Ушбу киноасар ҳаётий воқеаларга асосланган, дейди Мрунал Тхакур хоним. — Соня образини экранда талқин этиш таклифи билдирилгач, мен Калькутта шаҳрида одам савдоси жабрдийдасига айланган бир қанча инсонлар, жумладан, фильм бош қаҳрамонининг прототипи бўлмиш ёш қиз билан ҳам учрашдим. Албатта, бундай алданган одамлар ўз дардини дарров дoston қилавермайдилар. Уларнинг аламли ҳикояларини тинглаш эса янада оғир. Одам савдоси жабрдийдаси булган ўша қизнинг синиқ табассуми билан: “Мен дўзахда бўлиб қайтдим”, деб айтган сўзлари халигача қулоқларим остида жаранлаб турибди.

Шухрат САФАР,
журналист

ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
қўйидаги нотариус лавозимлари
ТАНЛОВ ЎТКАЗИШИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Нуркуш шаҳар 6-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Анджон шаҳар 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Анджон шаҳар 9-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Анджон шаҳар 10-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Анджон шаҳар 14-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Олтинкўл туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Жалалқудум туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Қўрғонтепа туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Хўжабод туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Балиқчи туман 3-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Мархамат туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Бухоро вилояти

Олот туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
Жондор туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Жиззах вилояти

Фаллорон туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Зомин туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Мирзачўл туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Қашқадарё вилояти

Қарши шаҳар 5-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Қарши шаҳар 7-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Мўбарак туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
Қасби туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
Қашани туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Чироқчи туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Яхьябод туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Деҳқонбод туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
Китоб туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Навоий вилояти

Томди туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
Илут туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Умудқум туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Зарафшон шаҳар 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Зарафшон шаҳар 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Наманган вилояти

Поп туман 3-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Турақурон туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Наманган туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Чўч туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Чўч туман 3-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Чортоқ туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Самарқанд вилояти

Пастдарғом туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Пастдарғом туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Пайариқ туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Булунгур туман 3-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Каттақўрғон туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Иштихон туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Иштихон туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Сирдарё вилояти

Гулистон шаҳар 7-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Гулистон туман давлат нотариал идорасида 1 нафар

Сурхондарё вилояти

Бойсун туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
Сариосиё туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Қизилқум туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Фарғона вилояти

Богол туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
Риштон туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Қўштепа туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Езёнов туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
Бувайда туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Риштон туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Фарғона шаҳар 14-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Хоразм вилояти

Гуран туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Шовот туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Хива шаҳар 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Урган туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Урган шаҳар 11-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Тошкент вилояти

Ангрэн шаҳар 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Ангрэн шаҳар 3-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Бука туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Бекбод шаҳар 3-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Бекбод туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Оқўрғон туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Қўйиқирғон туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Чиноз туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Олмалик шаҳар 4-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Олханон шаҳар 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Зангиота туман 14-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Тошкент шаҳри

Чинзор туман 9-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Чинзор туман 11-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Сергели туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Сергели туман 3-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Сергели туман 5-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Мирча Улуғбек туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Улутепан туман 6-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Шайхонтоҳур туман 12-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Олимзор туман 10-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Ҳужжатларни тақдим этишнинг охири санаеси 2019 йил 20 август. Нотариус лавозимига тайинлаш бўйича танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомига (рўйхат рақами 3114, 04.01.2019 йил) асосан нотариус лавозимига тайинлаш бўйича танловда иштирок этиш истакни билдирган шахс Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидаги электрон шаклда, улар қабул қилиб олинганлиги тўғрисида маълум қилган ҳолда тақдим этади. Бунда талабгор қўйидаги ҳужжатларини тақдим этиши лозим:

- комиссия номига мазкур Низомининг 1-иловасига мувофиқ шаклда ариза;
- Ўзбекистон Республикаси Фударосининг паспорти нусхаси;
- мазкур Низомининг 2-иловасига мувофиқ тўпирланган сурвонма;
- олий маълумот тўғрисидаги диплом ёхуд ваколатли давлат органининг хоржий ташлим муассасасида олинган олий маълумот тўғрисидаги ҳужжатнинг нострификациялаш (эквивалентлигини хайд этиш) тўғрисидаги таъинлаш бўйича танловда иштирок этиш истакни билдирган шахс;
- меконат даражасининг таъинланган нусхаси ёки юридик мутахассислик бўйича иш стажини тасдиқловчи “Электрон меҳнат дафтраси” тизимидан кўчирма;
- судланганлик ҳақида маълумотнома;
- малака имтиҳонини тошпирганлиги (яйта тошпирганлиги) ҳақида ҳудудий адлия органи хузуридаги малака комиссиясининг қароридан кўчирма (малака имтиҳонини тошпирган, лекин нотариус лавозимиде уч йил мўбидида ишлаган фуқаролар учун).

Талабдорлар мазкур Низомида назарда тутилган ҳужжатларини тақдим этишнинг талаб қилинган йўли қўйилмайдилар. Электрон шаклда тақдим этилган ариза ва унга илова қилинаётган ҳар бир ҳужжат ҳақиқийлиги савдосининг таъминловчи (ҳар бир дойма 200 нуктадан кам бўлмаган) алоқа фаил қўринишида бўлиши керак. Ҳар бир фаил ўтамини 10 МБдан ошмаслиги лозим.

Ҳужжатлар “PDF” (portable document format) форматда сканер қилинган ҳолда жўнатилмайдилар.

Ҳужжатлар Адлия вазирлигининг m.hatanov@adliya.uz электрон почта манзилига юборилиши лозим.

Ҳужжатларни тошпирганишга қозага қўйилган саволлар учун Адлия вазирлигининг (0-371) 207-04-51 телефон рақамига мурожаат қилиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси “Нотариат тўғрисидаги Қонуннинг 2-моддасига мувофиқ ижирима беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотта, юридик мутахассислик бўйича камиде уч йиллик иш стажига эга бўлган, шу жумладан, нотариал идорадда камиде бир йил стажировка ўтаган, малака имтиҳонини тошпирган Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлиши лозим. Судьялик лавозимиде камиде беш йил ишлаган ёки нотариус баджамчиси ёхуд адлия органининг нотариал фаолиятга раҳбарлик қилиш ва ушбу фаолиятни назорат қилиш билан боғлиқ лавозимларида камиде уч йил ишлаган шахслар учун стажировкадан ўтиш талаб қилинмайдилар.